Таҳорат бор йўқлигида гумон

06:30 / 28.08.2018 5296

Ассалому алайкум! Тоҳорат олгандан сўнг ел келса келмаса, келгандек шубха уйғонади. Бундай холда мен 1 намозга 1та тоҳорат оламан. Шу масала мени қийнади, илтимос жавоб берсангизлар, нима қилай? Олдиндан раҳмат.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом!

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا; أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: يَأْتِي أَحَدَكُمُ الشَّيْطَانُ فِي صَلَاتِهِ، فَيَنْفُخُ فِي مَقْعَدَتِهِ فَيُخَيِّلُ إِلَيْهِ أَنَّهُ أَحْدَثَ، وَلَمْ يُحْدِثْ; فَإِذَا وَجَدَ ذَلِكَ فَلَا يَنْصَرِفُ حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا أَوْ يَجِدَ رِيحًا أَخْرَجَهُ الْبَزَّارُ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Биринги[з намоз](#) ўқиётганида шайтон келиб ел чиқадиган жойига пуфлайди. Шунда у таҳоратим кетди деб хаёл қилади. Ҳолбуки таҳорати кетмаган бўлади. Қачон шундай ҳолатни топса то овозни эшитмагунича ёки ҳидни топмагунича намозни бузмасин” дедилар. *Баззор ривояти.*
Васвасага берилган одам шайтоннинг тузоғига тушиб қолади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таълимотларига амал қилиб овоз эшитмагунча ёки ҳидни топмагунича намозини бузмасин ва таҳоратини кетган деб ўйламасин. Валлоҳу аълам!